

ТАВҲИД ҲАМД ҒАЗАЛ ТАҲЛИЛИ

Зиёда ҒАФҒОРОВА

доцент

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент амалий фанлар университети

Тошкент, Ўзбекистон

gafforovaziyoda1959@gmail.com

Аннотация

Мақолада буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний”идаги “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 2-ғазали тавҳид ҳамднинг ёрқин бир намунаси сифатида таҳлил этилади. Шу тариқа Аллоҳ таолонинг яратувчанлик, пайдолик, пинҳонлик ва бошқа сифатлари ғазалнинг умумий руҳига мос равишда маҳорат билан кўрсатилгани очиқ берилди.

Таянч сўзлар: Қуръони карим, ҳамд, тавҳид, муножот, Навоий, ғазал, байт, матлаъ, мактаъ.

АНАЛИЗ ГАЗЕЛИ ТАУХИДА ВОСХВАЛЕНИЯ (ХАМДА)

Зиёда ҒАФҒАРОВА

доцент

доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Ташкентский университет прикладных наук

Ташкент, Узбекистан

gafforovaziyoda1959@gmail.com

Аннотация

В статье анализируется вторая газель великого узбекского поэта и мыслителя Алишера Навои «Чудеса детства» из сборника «Сокровищница мыслей» как яркий пример монотеистической хвалы. Таким образом, становится ясно, что созидательность, проявление, сокрытие и другие атрибуты Всемогущего Аллаха искусно изображены в соответствии с общим духом газели.

Ключевые слова: Священный Коран, хвала, таухид, молитва, Наваи, газель, стих, матла, хвала.

“Ҳ а м д” сўзи “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да мактов, ма ҳ [1;147] деб берилган. Исломий ақидага кўра эса мактов фақат ва фақат Аллоҳгагина лойиқ, унигина макташ мумкин ва керак. Шундан ҳам маълум бўлиб турибдики, бевосита Аллоҳ таъриф ва тавсиф этилган ғазаллар “ҳамд ғазаллар” дейилади. Ҳамд ғазалларнинг аксариятида шоир Аллоҳ кулли мавжудотнинг яратувчиси эканини бадий тил билан таърифлайди.

Шоирнинг ўзи айрим ҳамд ғазалларининг мактабида шу асарнинг ҳамд эканини махсус таъкидлаб ўтади:

*Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё [1;147].*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 2-ғазал).

*Ушшоқ аро, ё Рабки, Навоийга мақоме
Бергилки, сенинг ҳамдинга бўлсун тили гўё [1;147].*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 3-ғазал).

Ҳамд ғазалларни, шартли равишда, икки турга ажратамиз:

- 1) тавҳид ҳамд ғазаллар;
- 2) муножот ҳамд ғазаллар.

Агар асосий мақсад Аллоҳнинг сифатларини таърифлашдан иборат бўлса, бу “тавҳид” дейилади. “Тавҳид” сўзи – “воҳид” билан бир ўзакдан ясалган. “Воҳид” эса ягона, якка-ёлғиз, бир деган маъноларни англатади. Демак, Худонинг якка-ягоналиги, бирлигини, ёлғиз яратувчилигини таъриф-тавсиф этиш ва бу ягоналикни англаш, идрок этиш тавҳид бўлади.

Агар бирор асар ёки унинг парчасида тўғридан-тўғри Аллоҳга мурожаат қилиб, ундан нималардир сўралса, бу “муножот” ёки “муножотнома” дейилади.

Энди кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш учун тавҳид ғазалнинг бир намунаси – “Ғаройиб ус-сиғар”нинг 2-ғазалини батафсил кўриб ўтайлик. Аввал матннинг ўзини тўлиқ келтирамиз:

*Зиҳе ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз гавго.
Сени топмоқ бача мушкулдурур, топмаслиг осонким,
Эрур пайдолигинг пинҳон, вале пинҳонлигинг – пайдо.
Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.
Не ишка бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,*

*Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайло.
Қуёшқа гаҳ қизармоқ, гоҳе саргармоқ эрур ондин, –
Ки сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.
Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул кеби Вомиқ,
Юзингдин гар узори боғида гул очмади Азро?
Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,
Недин, бас, лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро.
Жамолинг партавидин шамъ ўти гар гулситон эрмас,
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо.
Малоҳат бирла туздунг сарвқадлар қоматин, яъни, –
Ки мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.
Қаноатнинг далилин инзиво қилдинг яна бир ҳам,
Далил ушбуки, қониъ ҳарфидин халқ айладинг анқо.
Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё [1;147].*

Ғазал 11 байтдан иборат. Бу – ҳажм жиҳатидан нисбатан катта ғазал. Чунки Навоий меросида 7 ва 9 байтли ғазаллар кўпроқ учрайди. Ушбу асарнинг мисралари ҳам – узун-узн, яъни 12 ҳижоли. У– ҳажази мусаммани солим вазнида. Яъни: “мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун”. Навоий ғазалиётида бундай ҳажмдаги ғазал кам учрайди. Айнан шу икки шаклий жиҳат ғазалга алоҳида салобатли руҳ бағишлаган. Бу эса бадий жиҳатдан Аллоҳнинг оғир-босиқ, вазмин кайфият билан мадҳ этилишини таъминлаган.

Ғазални байтма-байт таҳлил этишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

1-байт, яъни матлаъ мазмуни қуйидагича:

“Гўзал ҳуснинг кўринишидан ҳар кимга бир савдо тушиб, бу савдолар билан икки олам бозорида юз ғавғо кўтарилди”.

Бу байтда Аллоҳ ҳуснининг кўриниши (зуҳури) орқали ҳар кимга бир савдо тушгани, бу савдолар билан эса икки олам (кавнайн) бозорида юз ғавғо бошлангани айтилади. Бу билан шоир оламларнинг ҳам, одамларнинг ҳам

яратилиши бевосита ана шу Аллоҳнинг зухури эканини таъкидлаб, *в а ҳ д а т у л - в у ж у д* фалсафасини эслатиб ўтади. “Савдо” сўзи 1-мисрада ишк маъносида келган эди. Лекин шунга мутаносиб равишда 2-мисрада у “*бозордаги олди-сотди*” маъносини ифодалаган.

2-байт мазмуни – қуйидагича:

“Сени топиш жуда мушкул, топмаслик (эса) осон, (чунки) пайдолигинг – пинҳон-у, лекин пинҳонлигинг – пайдо”.

Бу байтда тазод (қарама-қаршилиқ) санъати орқали шоир Аллоҳни топиш жуда мушкуллигию, топмаслик осонлигини, шунингдек, унинг пайдолиги пинҳону, пинҳонлиги эса пайдолигини таъкидлайди. Қўшмисрада иккита очик тазод мавжуд: “*мушкул – осон*”, “*пинҳон – пайдо*”. Шоир биринчи тазодни қўллашда қийинликни (мушкулни) тасдиқ шаклидаги (топмоқ), қулайликни (осонни) инкор шаклидаги феъл (топмаслиғ) билан ишлатган. *Шундан учинчи бир тазод ҳам юзага келган*, дейиш мумкин. Иккинчи мисрада эса тарди акс санъатини қўллаб юборади (“*пайдолигинг пинҳон – пинҳонлигинг пайдо*”). Бу байтда Аллоҳнинг икки сифати – пайдолик ва пинҳонлик тилга олинган. Аллоҳ яратган барча нарсаларни кўриб, унинг борлигига (пайдолигига) иймон келтирамиз, аммо қанча фикр, ақл, тафаккур билан интилсак ҳам, унинг зотига ета олмаймиз. Чунки унинг пинҳонлиги ва сирлилигича қолаверади.

Аллоҳнинг ҳам пинҳон, ҳам пайдо экани Навоий ўзи тўқиган талқин эмас. Бу – Қуръонда мавжуд талқин. Уни ҳамд ёзган бошқа арабий, форсий ва туркий шоирлар асарларида ҳам кўп учратамиз. Аммо бадиият нуқтаи назаридан бу байт, кўриб ўтганимиздек, тамоман оҳорийлик, ўзига хос ифодавий-тасвирий гўзаллик касб этган.

3-байт мазмуни қуйидагича:

“Чаман ўтхонасига ёниб турган гулдан ўт солганинг билан (худди) самандардек шу оловдан шайдо булбул кулга ботди”.

Ушбу байтда зимдан гул шохлари билан бирга булбул ҳам ўтга тушгани билдириб ўтилган.

4-байт мазмуни қуйидагича:

“Нима иш берди-ю, Мажнун кўзгу аксидек беором бўлди, юзининг кўзгусида Лайло ўз аксини кўрсатмади”.

Байтда шоир қўлда ушлаб турилганда, кўзгу қимирлаб, унда кўриниб турган киши худди беором ҳолга тушгандек бўлишини назарда тутган. Агар Лайло (унинг) юзи кўзгусида ўз аксини кўрсатмаса, Мажнун не ишга кўзгу аксидек беором бўлди, дейилади. Бу ердаги беором сифатида қўлда тутиб турилган ойнанинг қимирлаб туришига ишора мавжуд. Мажнун билан Лайлонинг эсланиши талмиҳ санъатини вужудга келтирган.

5-байт мазмуни қуйидагича:

“Қуёш нега гоҳ қизариб, гоҳ сарғайиши сенинг сунъинг (яратилишинг) боғида юз минг (рангдаги) раъно гул борлигидан”.

Мазкур байтда олдинги қўшмисрадаги кўзгу тимсолидан фойдаланилган – Қуёш ҳам гўё бир кўзгу янглиғ тасаввурга келтириляпти, у ҳар хил раъно гулларни акс эттиргани учун ҳам бир қизариб, бир сарғаяди. Қуёш нега бир қизариб, бир сарғаяди, чунки Аллоҳ яратган боғда ҳам сариқ, ҳам қизил рангли юз минг гул бор-да.

6-байт мазмуни қуйидагича:

“Агар юзингдан юзи боғида Азро гул очмаган бўлса, нима учун ишқ ўтидан Вомиқ булбул каби юз гул очади?”

Бу байтда ҳам талмиҳ йўли билан машҳур ошиқ-маъшуклар – Вомиқ ва Азро тилга олинади.

7-байт мазмуни қуйидагича:

“(Эй Аллоҳ,) агар каломингни Ширин лабида махфий этмаган бўлсанг, нима сабабдан Фарҳоднинг қон ёшидан тош лаълдек (қип-қизил) бўлади?”

Талмиҳдан фойдаланиш ушбу байтда ҳам давом этади – Ширин ва Фарҳод тилга олинади.

8-байт мазмуни қуйидагича:

“Агар жамолингни нур таратишидан шам ўти гулистонга айланмаган бўлса ҳам, нима учун парвона Халил каби ўзини ўт ичига уради?”

Бу ерда Халил бевосита Иброҳим алайҳи-с-саломни англатади.

9-байт мазмуни қуйидагича:

“Сарвдек тик қоматлилар қаддини малоҳат билан туздинг, яъни шундай зеб билан у алифни бегадинг”.

Байтда Тангрининг сарв дарахтидек тик қоматлиларни малоҳат билан яратгани тилга олинб, шундай зеб бериш билан алифни чиройли қилдинг, дейилади. Бу ерда ҳарфий санъат ҳам ишга солинади. Чунки бу мисралар моҳиятига етиш учун ўқувчи “алиф” ҳарфининг тик ёзилишини кўз олдида келтириши керак.

10-байт мазмуни қуйидагича:

“Қаноатинг далилини яна бир бор гўшанишин қилдинг, унга ушбу далил борки, қонеъ сўзларидаги ҳарфлардан “анқо”ни ясадинг”.

Бу ерда “қаноат”, “қонеъ” сўзлари ўртасида иштиқоқ (бир бўғинли сўзларни қўллаш) санъати мавжуд. Ҳатто, “анқо” сўзида ҳам айнан “қонеъ” калимасидаги ҳарфлар (“қоф”, “алиф”, “нун” ва “айн”) иштирок этади.

Аввало, шуни айтиш керакки, арабий ёзувда “қонеъ” сўзи билан “анқо” бир хил ҳарфлар асосида ёзилади, фақат сўзда иштирок этган ҳарфларнинг жойларида фарқ бўлади, холос. Бу ерда муаллиф зимдан сўфийларни ҳам кўзда тутяпти. Чунки тасаввуф аҳллари учун қонеъ, яъни қаноат – бирламчи талаблардан ва гўшанишинлик ҳам – уларга хос хусусият.

11-байт, яъни мақта мазмуни қуйидагича:

“Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсинки, (ахир), тикан жаннат гулини васф қилишда гўё гунг бўлиб қолади-ку”.

Мақтада шоир ғазалнинг ҳамд эканини очиқ билдириб ўтишни лозим кўради. Шу тариқа Аллоҳ мадҳида ҳар қанча таъриф-таснифлар қилинмасин, шоирнинг, худди тикан жаннат гули таърифида гунг бўлганидек, ҳамиша сўз топа олмай, лол қолавериши эътироф этилган. Бунда лирик қаҳрамон Яратганнинг олдида ўзини бир ожиз банда янглиғ ҳис этади.

Кўриниб турибдики, Аллоҳ сифатлари ғазалнинг умумий руҳига сингдирилган ҳолда очиб бериляпти. Ҳар бир сифатнинг исботи учун эса бадий-мантиқий далил-исботлар ҳам келтирилган.

Бу ғазал Навоий ижодининг исломий асосларини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга асарлардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР :

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изохли луғати. Тўрт томлик. Т. 4. – Тошкент: Фан, 1985.
2. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988.
4. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Т 1. – Тошкент: Фан, 1987.